



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири

Ж. Мирзамахмудов

2024 йил “21” 06

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ҳузуридаги
Нефть-газ тармоғини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа
офисида мавжуд вакант лавозимга ишга қабул қилиш бўйича ички танлов
комиссиясининг 27 - сон баёни**

2024 йил “21” 06

Тошкент шаҳри

Раислик қилувчи: Ж. Мирзамахмудов – Энергетика вазири, Танлов
комиссияси раиси

Қатнашганлар: Вазир ўринбосарлари, Режим ва комплаенс бўйича вазир
маслаҳатчиси, Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги
вакили, Танлов комиссияси аъзолари (рўйхат бўйича)

КУН ТАРТИБИ:

**Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ҳузуридаги
Нефть-газ тармоғини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа
офисида мавжуд вакант лавозим учун эълон қилинган ички танловнинг суҳбат
босқичини ўтказиш тўғрисида**

(Мирзамахмудов, Мамадаминов, Шукуров, Файзиев, Мирзамахмудов)

Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги (кейинги ўринларда - Агентлик) билан келишган ҳолда тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги марказий аппарати ва ташкилий тузилмасидаги ташкилотларда мавжуд вакант лавозимларига ишга қабул қилиш бўйича танлов ўтказиш тартиби” (кейинги ўринларда - Тартиб) талабларидан келиб чиқиб, вазирлик ҳузуридаги **Нефть-газ тармоғини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа офиси Молия-иқтисод хизмати 1 тоифали мутахассиси** вакант лавозимига ишга қабул қилиш учун Агентликнинг <https://vacancy.argos.uz/> платформаси орқали ички танлов эълон қилинган эди.

Мазкур лавозимга номзодлар томонидан жами 3 та мурожаат келиб тушган.

Танловнинг 1-босқичи бўйича номзодларнинг ўрнатилган малака талабларига мослиги текширилди, шундан сўнг, муваффақиятли ўтган номзодлар танловнинг 2-босқичида Агентликда тест синовлари топширишди.

Танловнинг тест синовлари босқичидан муваффақиятли ўтган бир нафар номзод танловнинг суҳбат босқичига таклиф қилинди.

Танловнинг суҳбат босқичи Энергетика вазирлиги биносида очик мулоқот шаклида бўлиб ўтди.

Суҳбат босқичида Танлов комиссияси аъзолари томонидан номзодга танлаган вакант лавозими фаолияти билан боғлиқ саволлар берилди. Шундан сўнг номзоднинг жавоблари ўрнатилган тартибда муҳокама қилинди.

Комиссия аъзоларининг тавсияларини кўриб чиқиб, Танлов комиссияси **қарор қилади:**

1. Вазирлик хузуридаги Нефть-газ тармоғини ислоҳ қилишни мувофиқлаштириш бўйича лойиҳа офиси Молия-иқтисод хизмати 1 тоифали мутахассиси лавозимига **Ширмухамедова Дилноза Акбаровна** номзоди маъқуллансин.

2. Инсон ресурсларини ривожлантириш ва бошқариш бўлими (З.Файзиев) ғолиб бўлган номзод билан ўрнатилган тартибда меҳнат муносабатларига оид хужжатларни имзолаш ва лавозимга тайинлаш бўйича ишларни амалга оширсин.

3. Ушбу йиғилиш баёни ижросини назорат қилиш вазир маслаҳатчиси Д.Л.Шукуров зиммасига юклансин.

соғласов А.О. Қобилов

[Signature] Ф.Ф. Шарипов

[Signature] С.И. Сайдахмедов

[Signature] З.Н. Файзиев

[Signature] Д.Л. Шукуров

[Signature] Д.И. Исанбеков

[Signature] А.А. Раупов